

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ҳимояга рухсат»

“АВТ” кафедра мудири

А.Ш. Мухамадиев

“ _____ ” _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Огохлик - давр талаби мавзусида ижтимоий видео ролик яратиш”

Битирувчи	_____	<u>Юлдошев Д.Н.</u>
	имзо	Ф.И.Ш
Рахбар	_____	<u>Сафаров Э.</u>
	имзо	Ф.И.Ш
Тақризчи	_____	<u>Гуччиев Б.</u>
	имзо	Ф.И.Ш
ХФХ бўйича маслаҳатчи	_____	<u>Қодиров Ф.М.</u>
	имзо	Ф.И.Ш

ТОШКЕНТ – 2016 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет Телевизион технологиялар, кафедра “Аудиовизуал технологиялар”

Йўналиши(мутахассислик) шифри ва номи 5330400–“Компьютер графикаси
ва дизайн”

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири Мухамадиев А.Ш.

« _____ » _____ 2016 й.

Битирув малакавий иш учун

ТОПШИРИҚ

Юлдошев Достон Нарзи ўғли

(талабанинг фамилия, исми, шарфи)

- 1.Иш мавзуси Огохлик - давр талаби мавзусида ижтимоий видео ролик яратиш
2. 19.01.2016 йилдаги № 60-18 сонли буйруғи билан университет бўйича тасдиқланган.
- 3.Яқунланган ишни топшириш муддати 01.06.15 й
4. Ишга керакли маълумотлар Видео махсулотлари ва услубий қўлланмалар
- 5.Ҳисоблаш-тушунтириш ёзуви мазмуни (ишланмага тегишли саволлар)
Кириш, монтаж техникаси тарихи, монтаж қилиш технологияси, “Огохлик- давр талабияратиш, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлигини таъминлаш, хулоса.
- 6.График маълумотлар кетма-кетлиги : презентация ва видеоролик.
- 7.Топшириқ берилган сана : 20.01.2016 й

Раҳбар _____

Ф.И.Ш.

(имзо)

Топшириқни қабул қилдим _____

(имзо)

Ф.И.Ш.

8. БМИ алоҳида бўлимлари бўйича маслаҳат

Бўлим	Раҳбарнинг Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топшириқ бердим	Топшириқ олдим
1. Кириш	Сафаров Э.	05.02.15	05.02.15
2. Монтаж техникаси тарихи	Сафаров Э.	21.02.15	21.02.15
3. Монтаж қилиш технологияси	Сафаров Э.	15.03.15	15.03.15
4“Огохлик - давр талаби” мавзусида ижтимоий ролик яратиш	Сафаров Э.	06.04.15	06.04.15
5.ХФХ	Сафаров Э.	09.04.15	09.04.15
6. Хулоса	Сафаров Э.	21.05.15	21.05.15

9. Ишни бажариш графиги

№	Иш бўлимнинг номи	Бажариш муддати	Бажарилиши тўғрисида раҳбар тасдиғи (имзо)
1.	Кириш	05.03.15-20.02.15	
2.	Монтаж техникаси тарихи	21.02.15-15.03.15	
3.	Монтаж қилиш технологияси	15.03.15-05.04.15	
4.	“Огохлик - давр талаби” мавзусида ижтимоий ролик яратиш	06.04.15-10.05.15	
5.	ХФХ	11.05.15-18.05.15	

Битирувчи _____
(имзо)

« _____ » _____ 2016й.

Раҳбар _____

« _____ » _____ 2016 й.

(имзо)

Ушбу битирув малакавий иши Adobe After Effects дастури ёрдамида видео ролик яратишга бағишланган. Бу жараён одамлар иштирокида видеоролик кўринишида тайёрланди. Бунинг учун Adobe After Effects, Adobe Premiere Pro дастурларининг вазифалари ва имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, битирув малакавий ишида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Цель следующей работы дипломного проекта является показать подробные методы создания Video rolik с помощью Adobe After Effects. Процесс был выполнен в виде короткого клипа. Для создания этого видеоролика мы также должны были использовать Adobe After Effects, Adobe Premiere Pro. При создании своей работе я особенно обратил внимание на технической безопасности.

The aim of the following graduation project work is to show detailed techniques of creating Video clip by using Adobe After Effects. The process has been made as a short clip. For creating this video clip we also had to use Adobe Premiere Pro and Adobe Audition. While creating my work I particularly paid attention to the rules of the life safety.

Мундарижа

4.4.	Экологик	муоммонинг	ижтимоий
	йўналишлари.....	73	
	ХУЛОСА.....	74	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75	
	ЛУҒАТ.....	77	

КИРИШ

Жаҳон миқёсида ҳаёт шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарур. Албатта, Ўзбекистоннинг янада раванқ топтириш учун юртимиз кундан-кунга катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ғоят муҳим янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини чуқур ҳис этмоқмоқдамиз.

Телевидение воситаларини халқаро андозалар даражасига кўтариш, уларнинг эркин ва мустақил фаолиятини таъминлашда молиявий мустақиллик бериш, радио ва телеканалларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий шароит яратиш ҳозирги пайтда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда медиа тармоқлари корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш зарур.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг устувор йуналишларига киритилган компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, маълумотларни узатиш тармоқлари, Интернет хизматлардан фойдаланиш ривожланмоқда ва модернизациялашмоқда. Меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган тадбирларни амалга оширилиши миллий ахборот тизимлари, ресурсларини яратишни, жамиятимиз ҳар бир аъзоси ҳаётига ва иктисодиётга компьютер техникаси ва ахборот технологияларини оммавий жорий этилиши учун шароит яратишни, жаҳон бозорида мамлакатимиз иктисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлайди. Ушбу муҳим қарорларни қабул қилинишига жамият ва иктисодиётни турли соҳаларида тезкор ахборот алмашинувига, дунё ахборот захираларидан фойдаланишга бўлган талаб, таълим жараёнларини ва инсонларнинг кундалик ҳаётини компьютерлаштириш зарурати ҳамда ахборот ва маълумотлар базаларининг хавфсизлигини таъминланиш талаби асос бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кундаги телетомошабин олаётган тасвир ёки бошқа турдаги ахборотининг сифати ва тезкорлигига катта аҳамият қаратмоқда. Телевидениеда телевизион технологиялар ривожланиши борасида катта ютуқларга эришилди, бу ер усти телевиденияларининг рақамли форматда сигнал узатиши ва телевизион частоталар диапазонидан унумли фойдаланиш бўлса иккинчиси юқори тиниқликдаги телевидение HD формати (High-Definition кенг экранли формат 1920*1080р) нинг дунё бўйлаб телеузатишларини бошлаб юборганини эътироф этиш керак. Телевизион каналларнинг сони ошиши, яъни ижтимоий пакетга қирувчи телеканалларнинг сони МТРК томонидан яна 15+1 тагача етганлигини инобатга олиб, шунга мос равишда телекўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатиш тизимларини харид қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелдаги № ПП-1088 ва № ПП-1123 04.06.2009 йилги қарорлари асосида Тошкент ахборот технологиялари университети таркибида “Телевизион технологиялар”

факултети ташкил этилди. Бу факултетда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси учун бешта таълим йўналиши Кинотелеоператорлик, Махсус ёритиш технологиялари, Компютер графикаси ва дизайн, Аудио-видео технологиялар ва Овоз ёзиш технологиялари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Мазкур битирув малакавий иши (БМИ) “Огохлик - давр талаби” мавзусида ижтимоий видео ролигини тайёрлашда тасвирларни қандай монтаж қилишга бағишланган.

Ахборот технологияларининг ривожланиши нафақат электрон ҳисоблаш тизимлари қолаверса мултимедия, телевидение, компютер ўйинларини яратиш ва кинематография соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Битирув малакавий иши долзарблиги:

- Бугунги кунда мамлакатимизнинг устувор йуналишларига киритилган компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, маълумотларни узатиш тармоқларини ривожлантириш.
- Корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш.
- Огоҳлантиришларни суст ҳаракатлари туфайли хавфсизликни таъминлаш масалалари эчим топтириш. Бу борада, айниқса, хавфсизликни таъминлашга жавобгар бўлган ички ишлар идоралари каттик курашиш.
- “Огохлик - давр талаби” мавзусида ижтимоий роликни тайёрлаш.
- Ушбу битирув малакавий иши ҳозирги замон нотинч ҳолатида ўрни жуда муҳим. Шунининг олган ҳолда юртимизда огохлик тўғрисида бир қатор қонунлар ишлаб чиқилиши ва йулга қуйиш.

Битирув малакавий иши вазифалари:

- “Огохлик - давр талаби” мавзусида ижтимоий роликни тайёрлаш режасини ишлаб чиқиш;

- Видео ролигини тайёрлашда фойдаланувчи дастурий воситалар Adobe Premiere Pro ва Adobe After Effect дастурида ишлашни ўрганиш, ҳамда фойдаланиладиган техникалар билан танишиб чиқиш;
- Ўрганилган дастурий воситалар ёрдамида олинган видео лойиҳани монтаж қилиш;
- БМИ натижаси сифатида “Огохлик - давр талаби” мавзусида ижтимоий ролик яратиш.

Битирув малакавий иши боблар қисқача мазмуни:

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида БМИнинг мақсади, асосий қилиниши керак бўлган вазифалар ва унинг боблари бўйича қисқача маълумот берилган.

Биринчи боб монтаж қилиш, монтаж қилишда фойдаланилган дастурий таъминотга бағишланган.

Иккинчи боб монтаж қилиш технологияси ва дастурий таъминотга бағишланган

Учинчи боб бутунлай огохлик хақида видео роликни тайёрлаш ва уни монтаж қилишга бағишланган.

Тўртинчи боб эса техника хавфсизлигига бағишланган.

Хулоса қисмида эса БМИ ни бажариш давомида бажарилган ишлар ва натижалар келтириб ўтилган.

Битирув малакавий иши мақсади:

Ҳар бир инсон туғилганидан бошлаб, мактабда, ўрта махсус билим юртларида, олийгоҳда ва ишлаб чиқаришга келганда уни хавф-хатардан огохлик . Ҳаётда ота-онадан ташқари барча биродарлар бир-бирига ҳам бизга огохлантирувчи ҳисобланади.

Бу БМИнинг асосий мақсади ҳозирги кунда кўпгина давлатларда содир этилаётган ҳодисалар қурбонига айланаётганлар ҳаёти бўйича қисқача маълумотли видео ролик тайёрлаш.

Битирув малакавий ишининг амалий ахамияти: Телевидение орқали эфирга бериш учун огохлик бўйича қисқача ролик тайёрлаш.

I БОБ. МОНТАЖ ТЕХНИКАСИ ТАРИХИ.

1.1. Жаҳонда монтаж техникаси ривожланиши

Биз телевидениеда электрон монтаж деб юритадиган иборамиз телевидениенинг бошланишида мавжуд эмас эди, чунки тасвирни ёзиб олувчи ва монтаж қилувчи қурилмалар бўлмаган. Монтаж асосан кинода бўлиб кўпгина иборалар шундан келиб чиққан, яъни масалан “склейка” сўзи. Видеомонтаж – бу биринчи навбатда, тасвирга олинган видеоматериални ёзилган сценарий асосида кўриқдан ўтказган ҳолда режиссёр фикралари асосида тизимли монтаж қилиш, яъни фильм ёки кўрсатувдаги жараёнларни кадр ортидан таъсирлантирувчи мусиқа ва овозли текст орқали ёритиш, иккинчидан, тасвирга олинган сахналарга томошабин кадрлардаги ходисаларни кўз узмасдан кузатиш динамикасини бериш. Учинчидан, фильмни бир нафасда томоша қилиш имконини берадиган ва ранг ишларини, овоз чиқиш даражасини текислашини ва ҳ.к.ларни ўз ичига олган, тасвирга олинган материалларни оптимизациялаш ишларидир.

Хозирги кунда электрон монтаж нафақат телевидениеда ижод қилаётган профессионал операторлардан тортиб хаваскор операторлар фаолиятини ҳам қамраб олган. Сабаби, тасвирга олинган маҳсулотни кўримлилигини ошириш, уни мусиқа, тасвир эффектлари билан безаш, титрлар ва графика билан безалган фильм ёки клип ҳаммамизни эътиборимизни тортади. Унда ижодкор ёки техник бўладими тайёрланаётган материални телетомошабинга етказишда ишлатадиган қўшимча эффектлари видеомаҳсулотни инсон қалбига етиб боришида, уни томоша қилаётган тасвирга бефарқ бўлмаслигига эришишни таъминлайди. Шундай экан электрон монтажни келиб чиқиш тарихга назар ташлаймиз. Монтажни


ривожланиш тарихи тасвир ёзиш техникаси ва форматларнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. 1958 йилда Американинг “Amrex corporation” фирмасида 2 дюмли лентага ёзилган тасвир фонограммасини биринчи бўлиб монтаж қилиш таклифи амалиётда қўлланилди ва у ўз самарасини берди. Бунда тасвир монтаж операторида ўткир тигли ускуна бўлиб, у тасмаларнинг уланиш жойини кесиб, уларни ўта юпка бўлган металл ёпишқоқ лента, махсус металл скотч билан уланиши керак бўлган. Бу монтаж тарихининг бошланиши бўлди. “Amrex” дан сўнг бошқа телевизион техника ишлаб чиқарувчилар ҳам ушбу каби техник қурилмалар ишлаб чиқаришга киришди. 1960 йилга келиб тасвир магнитофонларида электрон монтаж қилиш яна худди шу фирма томонидан ишлаб чиқилди ва кесиб монтаж қилиш (механик усул билан монтаж қилиш) технологияси тарихнинг зарварақларига ёзилиб қолди. Бу монтаж технологияси кириб келгандан сўнг олдингисига нисбатан ёзилган бирламчи материалларни архивга қолдириш ёки кейинчалик бошқатдан монтаж қилишга имкон яратилди. “Amrex” яратган технология бўйича қатор ишлаб чиқарувчилар “С” форматдаги тасвир магнитофонларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.



1.1.1 расм. Амрех тасвир монтаж магнитофонлари

Бу форматда тасмага кўдаланг ёзиш ишлатилган бўлиб видеокаллак блокида 4 та видеокаллак бўлиб 1 та кадрда 60 та чизиқ чизган, илк даврда

битта видеокаллак ёзган тасмани иккинчиси ўқимаган, шу сабабли ҳар бир тасмага уни ёзган видеокаллак номери ёзиб қўйилган ёки уммуман тасма билан видеокаллак билан бирга сақланган. Иккинчи томондан ушбу видеокаллак блоклари иш давомийлиги 100 соат атрофида бўлган, яъни ҳар 100 соатдан сўнг блок видеокаллакларини қайта алмаштирилиши зарур эди. “Амрех” яратган технология бўйича Новосибирск экспериментал заводи томонидан КАДР-1, кейинчалик КАДР-3 ва КАДР-3ПМ тасвир монтаж магнитофонлари ишлаб чиқарилди ва кўпгина телемарказларда 1990 йилнинг бошларигача фаолият кўрсатди.



1.1.2-расм Кадр-1 магнитофони



Кадр-3ПМ. "Полтора пианино". :)

1.1.3-расм Кадр-3ПМ магнитофони

Бу форматдаги магнитофонларнинг энг катта камчилиги тасвир тасмасининг энининг кенглиги ва уни тасвир ёзиш каллаги (головка) га яқинлаштириш учун вакуум тортгич тизим орқали амалга ошириларди, яъни вакуум ёмон ишласа тасма узилишларига олиб келарди. Ушбу технология бўйича монтаж қилиш учун бирламчи тасвир материали биринчи магнитофондан узатиларди ва иккинчи магнитофонда керакли нуқта белгиланиб ёзиб олинар, иккала видеомагнитофонни юрғазиб юбориш ҳозирча қўлда бажарилар эди. Шу сабабли уланиш жойининг сифатли чиқиши операторнинг иккала магнитофонни синхрон юрғазиб юборишига боғлиқ эди. “Амрех” фирмаси тинимсиз технологик тизимни автоматлаштириш бўйича изланишлар олиб борди ва 1963 йилда янги EDITEC ускунасини ишлаб чиқди ва тасвир

тасмасига овоз товушлари билан хизмат чизиғига автоматик равишда нуқталар (метка) қўйиш тизимини ишга туширди.

1.2. Биринчи электрон монтаж қилиш технологиясининг ишлаб чиқилиши.

1967 йилда “EESCO Inc” фирмаси монтаж тизимида тасмада ёзиладиган вақт кодини ишлатиш технологиясини таклиф қилди. Бу монтаж тизимида монтаж варақасини тузиш ва киритилган вақт кодлари орқали магнитофонларни синхрон юрғазиш имкони яратди. 1973 йилда монтаж ишларини енгиллаштириш мақсадида SMPTE/EBU вақт коди формати қабул қилинди. 1970 йилларда 2 дюмли ленталар қаторида ярим дюмли тасмада ишлайдиган тасвир монтаж магнитофонлари ҳам ишлаб чиқарила бошланди.



1.2.1-расм Betacam SP магнитофони



1.2.2-расм Digital Betacam магнитофони



1.2.3-расм Betacam J-30

Бу “U-matic”, “Betacam”, “М-II”, 8 мм “Video 8”, “М II pro” ва Hi 8. форматларидир. Шу йилларда икки ва ундан ортиқ тасвир монтаж магнитофонларини бошқариш имконини таъминловчи контроллерлар технологияга киритилди ва электрон монтаж тизимини бошқариш янада энгиллашди. Тизимларга қўшимча равишда тасвирни бирдан иккинчисига эффектлар орқали ўтказувчи видеомикшерлар ҳам ишлаб чиқилди, монтаж жараёни энгиллашганига қарамасдан техник ускуналарда ишлаш қийинлашиб борди. Электроникани ривожланиши натижасида электрон монтаж тизимлари иш технологияси бўйича чизиқли ва ноизиқли монтаж тизимларига бўлинди. Чизиқли монтаж тизимлари ўз навбатида хомаки (off-line) ва яқунланган (on-line) ларга бўлинади. 1980 йиллардан бошлаб “Betacam Thomson” ва “Betacam SP” (SP - superior performance) форматидаги монтаж тизимлари ишлаб чиқарилди, уларда ½ дюмли видеокассеталари ишлатилиши монтаж қилиш жараёни энгиллаштиради. Бунда видеокассета ўлчамлари 2 дюмли видеотасмага нисбатан анча кичик ҳолга келди ва тасвир материалларини сақлашга ҳам қулай шароит яратилди. Монтаж жараёнида “assemble”, “audio insert”, “video insert” ва “TC insert” режимлари ишлатила бошланди. “assemble” режимида ишлаш жараёнида бир видеокассетадан иккинчисига тасмада мавжуд тасвир сигнали, 2 та овоз сигнали, бошқарув сигнали ва тайм код биргаликда ёзилади. Бу режим асосан лавҳаларда тасвир каторларини (фрагментларни) узлуксиз йиғишда ёки интервьюларни монтаж қилишда қўлланиладиган режим ҳисобланади. “insert” режими 3 ҳил турда

ишлатилади, масалан бирор бир фонда овоз фонограммаси ёзилган бўлса унинг устки қисмига текстга монанд тасвир қўйиш керак бўлганда “video insert” режими ишлатилади, худди шу ҳолатнинг тескараси, яъни тасвир йиғиб олинган бўлсаю унга овоз фонограммасини ёзиб олиш учун “audio insert” режимидан фойдаланилади. Вақт кодида узилишлар мавжуд бўлса уни тўғирлаш учун “TC insert” режими ишлатилади. Монтаж қилишдан олдин ҳар бир ижодкор тасвирга олинган материалларини кўриқдан ўтказган ва бирламчи монтаж учун монтаж варақасини тайёрлаган бўлиши шарт. Бу аппаратхонада керакли бўлган тасвир лавҳасини қидирмаслик ва монтажга берилган вақтдан унумли фойдаланиш учун керак, акс ҳолда монтажга берилган вақтнинг кўп қисми керакли лавҳани қидириш билан ўтиб кетиши ва кўрсатувни пала-партиш ҳолатда монтаж қилинишига олиб келади.

Чизиқли монтаж тизимларида жаҳондаги кўпгина давлатлар 2000 йилга қадар ишлаб келган, бу тасвирга олинган видеокассета видеомагнитофондан видеомагнитофонга видеомикшер пульти, овоз пульти эфирни безаш белги генераторидан ўтган ҳолда амалга ошириладиган технология ҳисобланади.

Янги форматларнинг аналог форматидан рақамли форматга ўтиши жараёнида тасвир ва овоз микшерларининг ҳам ривожланиши давом этди. Телевизион техника ишлаб чиқариш гигантлари бўлган: “Sony”, “Philips”, “Panasonic”, “Snell”, ва “DataVideo” видеомикшер ларидир. Тошкент телемаркази сифатли телекўрсатувлар тайёрлаш учун кўплаб имкониятларга эга бўлган ҳар томонлама қулай техника билан таъминланди. Бу ерда ўрнатилган техник жиҳоз ва ускуналар дунёнинг ривожланган давлатларида ҳозирги кунда ишлатиб келинмоқда. Турли ҳажмдаги катта-кичик студиялар, монтаж аппаратхоналари мавжуд бўлиб, уларда доим қизгин иш жараёнини кузатиш мумкин. Sony фирмасининг аналог форматдаги Betacam-SP, рақамли форматдаги Betacam-SX, Digital-Betacam, DVCAM камера ва тасвир магнитофонлари сифатли тасвирга олиш ва монтаж қилиш жараёнларида хизмат қилади. Тасвир монтаж учун оддий, мураккаб, ўта мураккаб,

ночизикли монтаж аппаратхоналари мавжуд. Тасвир монтаж гуруҳи чизикли монтаж аппаратхоналаридаги DFS-500, DFS-700, ўта мураккаб монтаж аппаратхоналаридаги DVS-6000, DME-5000 видеомикшер пультлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ранг баранг кўрсатувлар ойнаи жахон юзини кўрмоқда. Бу технологиянинг камчиликлари сифатида: кўп миқдорда видеокассеталар кераклиги. Лентада мавжуд деффектлар тасвир ва овоз сигнали сифатига таъсир қилиши, қайта монтаж учун кўп вақт талаб қилиши ва ҳ.з.

Ночизикли монтаж тизимлари бу 1973 йилдан бошлаб Оврўпа, кейинчалик АҚШ ва Япония давлатларида тадбиқ қилинган технология ҳисобланади. Ўзбекистонда биринчи бўлиб 1998 йилда Sony фирмасининг ES-7 “Edit station”, “QUANTEL” фирмасининг “EDIT-BOX” монтаж тизимлари ишга туширилди. Сўнгги йилларда видеомонтаж техникаси анча олдинга силжиди ва энди “видеомонтаж” мазмунан видеотасвирни тўлиқ камраб олувчи платага эга бўлган кучли компьютер ва махсус монтаж дастурлардир (ES-7, Quantel, Sony XPR1, AVID, Adobe Premiere ва бошқалар). 1990 йилларнинг охирига келиб, персонал компьютерларнинг қуввати етарлича ривожлангач, компьютернинг тасвир ва овоз сигнали билан ишлаш масаласи ўртага ташланди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланувчилар орасида ночизикли монтаж тизимлари деб ном олган техник ускуналар яратилди. Бу ускуналар таркибига тасвир ва овоз картаси, овоз кучайтиргич ва карнай ҳамда компакт диск номини олган доимий ташқи хотира дискюритгичи билан бирга монтаж қилиш дастурий таъминоти кирди. Бу қурилма ва дастурий таъминоти билан таъминланган компьютерлар мультимедиа компьютерлари деб аталади. Бу тизимнинг технологияси монтаж дастурий таъминоти ўрнатилган компьютер базасидаги аппаратхона, асосан тасвир магнитафонларидан материал ночизикли монтаж тизимига рақамлаштирилади ва файл кўринишига келтирилади. Рақамлаштирилган материал монтаж “тайм лайн”ида монтаж қилинади, овозлаштирилади,

эффектлар билан безатилади ва титрлар қўйиб тайёр ҳолатга келтирилади. Ночизиқли монтаж тизимининг авзаллиги чизиқли тизимга нисбатан қайта кўчириш жараёни амалга оширилмаган ҳолда ишлаш мумкин. Ундан ташқари янги лентасиз ишлаб чиқариш тизимига ўтказилгандан сўнг видеокассеталарга материал кўчирилмайди, бу эса тасвир сигнали сифат меёрларини ўзгармаган ҳолда эфирга узатилишини таъминлайди. Техник жараён ривожланиши мавжуд тизимларга қўшимча янги: Sony фирмасининг “XPR1”, “Adobe Premiere”, “HD” формати учун “AVID” ва “Apple Macintosh” компьютер тизими учун “Final Cut” дастурий таъминоти билан жихозланган аппаратхоналар ишга туширилди. сўнгги йилларда видеомонтаж техникаси анча олдинга силжиди ва энди “видеомонтаж” мазмунан видеотасвирни тўлиқ қамраб олувчи платага эга бўлган кучли компьютер ва махсус монтаж дастурлардир (Adobe Premiere, Adobe After Effects, 3D MAX ва бошқалар).

Ҳозирги вақтда республикамизнинг деярли барча студияларида профессионал, замонавий ускуналар билан жихозланган ва видеомонтажга оид юксак компьютер технологияларни билан таъминланган ҳамда юқори даражадаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодирлар. Мукамал даражадаги ночизиқ видеомонтажларни ҳам ишлаб чиқа оладилар.

Видеомонтаж дастурларидан шундайлари борки, профессионал видеомонтажчилар томонидан яратилган фильмларни бир нафасда томоша қиласиз. Ушбу фильмлар зерикишга йўл қўймайди, тасвирларни ёрқин ва аниқ кўринишида етказиб беради.

Монтаж дастурий таъминотларини ривожланиши, ҳар бир кейинги сериясини чиқишида янги эффектлар ва графика имкониятлари муккаммаллашиб бормоқда. Ночизиқли монтаж тизимида аналог форматдаги чизиқли монтаж технологисияга нисбатан телевизион сигнал параметрларини ўзгартирмаган ҳолда телекўрсатувларни тайёрлаш имкониятини беради, бу тизимда видеоэффектларни турли-туманлиги, овоз билан ишлаш каналларининг кўплиги ижодкорни ўйларини амалга

оширишда катта имкониятлар яратади. Маълумки техник тараққиёт бир жойда турмайди, шундай экан телевизион форматлар ўзгариши жуда тез бўлмоқда. SONY фирмасининг энг сўнгги форматларидан бири бу юқори тиниқликдаги HDCAM форматидир. Ушбу форматдаги янги техник ускуналар SONY — HDW 790P модели камера, SONY HDW – M2000P маркали магнитофон ва ушбу форматдаги техник ускуна билан ишловчи Avid ночизиқли монтаж системаси Тошкент телемаркази тасвир монтаж гуруҳида ўрнатилди ва ҳозирги кунда HD форматидаги бадий фильмлар, сериаллар, телекўрсатувлар ва роликлар тайёрлаб келинмоқда.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Боб бўйича қисқача яқун қиладиган бўлсак, бу бобда телевидениеда илк монтаж техник ускуналар яратилиши, монтаж тизимини электрон монтаж технологиясига келишида қилинган ишлар, форматларнинг ривожланиб бориши ва техникларнинг иш жойларида (форматлар ўзгарганда магнит тасмаларнинг компакт холга келиши) енгил иш шароитлари яратилганлиги бўйича маълумотлар берилган.

II БОБ. МОНТАЖ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

2.1. Ўзбекистонда монтаж тизимлари.

Республикамиз шаҳар ва вилоятларида мавжуд Ўзбекистон(МТРК) телемарказларда мустақилликга қадар 2 дюйм энли лентада ишлайдиган КАДР-3, КАДР-3ПМ ва бир дюймлик КАДР-103СЦ тасвир монтаж аппаратларидан фойдаланиб келинган. Кейинчалик VHS ва SVHS форматидаги техник ускуналарда монтаж амалга оширилган. 1997 йилининг 25 августидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта

жихозлаш” бўйича № 412 Қарори чиқиши республикамизнинг деярли барча студияларида профессионал, замонавий ускуналар билан жиҳозланишига сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон МТРК тизимида фаолият кўрсатаётган телемарказлари монтаж аппаратхоналарининг 70% аналог форматдаги тасвир монтаж аппаратхоналаридан иборат. “Betacam SX”, “IMX”, “DVCAM” ва “Digital Betacam”. Янги форматларнинг аналог форматидан рақамли форматга ўтиши жараёнида тасвир ва овоз микшерларининг ҳам ривожланиши давом этди. Телевизион техника ишлаб чиқариш гигантлари бўлган: “Sony”, “Philips”, “Panasonic”, фирмаларининг тасвир микшерлари монтаж аппаратхоналарида ишлатилиб келинмоқда. Тошкент телемаркази сифатли телекўрсатувлар тайёрлаш учун кўплаб имкониятларга эга бўлган ҳар томонлама қулай техника билан таъминланди. Бу ерда ўрнатилган техник жиҳоз ва ускуналар дунёнинг ривожланган давлатларида ҳозирги кунда ишлатиб келинмоқда. Турли ҳажмдаги катта-кичик студиялар, монтаж аппаратхоналари мавжуд бўлиб, уларда доим қизғин иш жараёнини кузатиш мумкин. “Sony” фирмасининг аналог форматдаги “Betacam-SP”, рақамли форматдаги “Betacam-SX”, “Digital-Betacam”, “DVCAM” видеокамера ва тасвир магнитофонлари сифатли тасвирга олиш ва монтаж қилиш жараёнларида хизмат қилади. Тасвир монтаж учун оддий, мураккаб, ўта мураккаб, ночизиқли монтаж аппаратхоналари мавжуд. Тасвир монтаж гуруҳи чизиқли монтаж аппаратхоналаридаги DFS-500, DFS-700 тасвирмикшер пультлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ранг баранг кўрсатувлар ойнаи жаҳон юзини кўрмоқда. Бу технологиянинг камчиликлари сифатида: кўп миқдорда видеокассеталар кераклиги. Лентада мавжуд деффектлар тасвир ва овоз сигнали сифатига таъсир қилиши, қайта монтаж учун кўп вақт талаб қилиши ва ҳ.з.

1990 йилларнинг охирига келиб, персонал компьютерларнинг қуввати етарлича ривожлангач, компьютернинг тасвир ва овоз сигнали билан ишлаш

масаласи ўртага ташланди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланувчилар орасида ночизиқли монтаж тизимлари деб ном олган техник ускуналар яратилди. Бу ускуналар таркибига тасвир ва овоз картаси, овоз кучайтиргич ва карнай ҳамда компакт диск номини олган доимий ташқи хотира дискюритгичи билан бирга монтаж қилиш дастурий таъминоти кирди. Бу қурилма ва дастурий таъминоти билан таъминланган компьютерлар мультимедиа компьютерлари деб аталади. Бу тизимнинг технологияси монтаж дастурий таъминоти ўрнатилган компьютер базасидаги аппаратхона, асосан тасвир магнитофонларидан материал ночизиқли монтаж тизимига рақамлаштирилади ва файл кўринишига келтирилади. Рақамлаштирилган материал монтаж “тайм лайн”ида монтаж қилинади, овозлаштирилади, эффектлар билан безатилади ва титрлар кўйиб тайёр ҳолатга келтирилади. Ночизиқли монтаж тизимининг авзаллиги чизиқли тизимга нисбатан қайта кўчириш жараёни амалга оширилмаган ҳолда ишлаш мумкин. Ундан ташқари янги лентасиз ишлаб чиқариш тизимига ўтказилгандан сўнг видеокассеталарга материал кўчирилмайди, бу эса тасвир сигнали сифат меёрларини ўзгармаган ҳолда эфирга узатилишини таъминлайди.

2.2. Аналог форматдаги монтаж тизимлари.

Аналог форматдаги монтаж тизимлари асосан чизиқли монтаж тизимлари ҳисобланиб техниклар тилида “оддий” ва мураккаб” монтаж номи билан аталган ва жаҳоннинг кўпгина давлатларида 1900 йилнинг охирига қадар ишлатиб келинган, бу тасвирга олинган видеокассета видеомангнитофондан видеомангнитофонга видеомикшер пульта, овоз пульта эфирни безаш белги генераторидан ўтган ҳолда амалга ошириладиган технология ҳисобланади. Чизиқли монтаж тизимлари технологияси, бу бирламчи видеокассетадан мастер видеокассетага видео режиссёр пульта, овоз пульта ва харф териш генератори орқали ўтказилиб монтаж қилишдир. Тасвир монтаж тизимида 1993 йилдан бошлаб ўша даврнинг замонавий

техник ускуналари билан жихозланиши тасвир монтаж тизимининг ишини энгиллаштиришга ва сифатини оширишга олиб келди. Тасвир монтаж гуруҳи чизиқли монтаж аппаратхоналарида: Sony Betacam SX DNW-A75P, DNW-A65P видеомангнитофонлари, Sony SRP-200 ва YAMAHA O1V овоз микшерлари, Collage 2CG Pixel Power белги генератори, Sony DFS-500, Sony DFS-700 видеомикшер пультаи ишга туширилди. Монтаж жарёнида “assemble”, “audio insert”, “video insert” ва “TC insert” режимлари ишлатила бошланди. “assemble” режимида ишлаш жараёнида бир видеокассетадан иккинчисига тасмада мавжуд тасвир сигнали, 2 та овоз сигнали, бошқарув сигнали ва тайм код биргаликда ёзилади. Бу режим асосан лавҳаларда тасвир қаторларини узлуксиз йиғишда ёки интервьюларни монтаж қилишда қўлланиладиган режим ҳисобланади. “insert” режими 3 хил турда ишлатилади.

Монтаж қилишдан олдин ҳар бир ижодкор тасвирга олинган материалларини кўриқдан ўтказган ва бирламчи монтаж учун монтаж варақасини тайёрлаган бўлиши шарт. Бу аппаратхонада керакли бўлган тасвир лавҳасини қидирмаслик ва монтажга берилган вақтдан унумли фойдаланиш учун керак, акс ҳолда монтажга берилган вақтнинг кўп қисми керакли лавҳани қидириш билан ўтиб кетиши ва кўрсатувни пала-партиш ҳолатда монтаж қилинишига олиб келади.

Тасвирни монтаж қилиш – дастлабки тасвир ва овоз маълумотларни қайта ишлаш ва ўзгартириш жараёни натижасида янги мақсадга эга бўлган видеоматериал яратиш. Одатда, тасвир маҳсулотларни яратиш яъни тасвирларни монтаж қилиш тасвирга олишга нисбатан муҳимроқдир, чунки монтаж фильмга керакли ритм ва муҳитни беради.

Бу технологиянинг камчиликлари сифатида: кўп миқдорда видеокассеталар кераклиги. Лентада мавжуд дефектлар тасвир ва овоз сигнали сифатига таъсир қилиши, қайта монтаж учун кўп вақт талаб қилинишини айтшимиз мумкин.

2.3. Ночизиқли монтаж тизимлари.

Ҳар бир соҳа ривожланиш даврида ахборот технологиялари-персонал компьютерлар билан бошқариш тизимларига муҳим қилган ва иш фаолиятини энгиллаштиришга, сифатини яхшилишга ва тезкорликни таъминлашга олиб келган. Бу борада телевизион ишлаб чиқариш технологиясида ахборот технологиялари ҳам ўз ўрнини топди бу нафақат сифат, тезкорлик ва иш жойлари оптимизациясига, балки ижодкорларнинг техника имкониятларини ўрганиб ўз фикрларини тўла-тўқис амалга оширишларига олиб келди. Ночизиқли монтаж тизимининг авзаллиги чизиқли тизимга нисбатан қайта кўчириш жараёни амалга оширилмаган ҳолда ишлаш мумкин. Ундан ташқари янги лентасиз ишлаб чиқариш тизимига ўтказилгандан сўнг видеокассеталарга материал кўчирилмайди, бу эса тасвир сигнали сифат меёрларини ўзгармаган ҳолда эфирга узатилишини таъминлайди. Ночизиқли монтаж тизимлари 1973 йилдан бошлаб Оврўпа, кейинчалик АҚШ ва Япония давлатларида тадбиқ қилинган технология ҳисобланади. Ўзбекистонда биринчи бўлиб 1998 йилда “Sony” фирмасининг “Edit station-7”, “QUANTEL” фирмасининг “EDIT-BOX” ва “NEWS-BOX” ночизиқли монтаж тизимлари ишга туширилди. Бу тизимнинг технологияси монтаж дастурий таъминоти ўрнатилган компьютер базасидаги аппаратхона, асосан тасвир магнитофонларидан материал ночизиқли монтаж тизимига рақамлаштирилади ва файл кўринишига келтирилади. Рақамлаштирилган материал монтаж “тайм лайн”ида монтаж қилинади, овозлаштирилади, эффектлар билан безатилади ва титрлар кўйиб тайёр ҳолатга келтирилади. 1990 йилларнинг охирига келиб, персонал компьютерларнинг қуввати етарлича ривожлангач, компьютернинг тасвир ва овоз сигнали билан ишлаш масаласи ўртага ташланди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланувчилар орасида ночизиқли монтаж тизимлари (Non Linear Editing system) деб ном олган техник ускуналар яратилди. Бу ускуналар таркибига тасвир ва овоз картаси, овоз кучайтиргич ва карнай ҳамда компакт диск

номини олган доимий ташқи хотира дискюритгичи билан бирга монтаж қилиш дастурий таъминоти кирди. Бу қурилма ва дастурий таъминоти билан таъминланган компютерлар мультимедиа компютерлари деб аталади.

Ахборот технологияларида мултимедиа сўзи жуда кўп учрайди ва у кўпинча муҳит деб таржима қилинса-да, мулоқот деган маънода ҳам ишлатилади. Компютер мультимедиали бўлиши учун биринчидан, мультимедианинг техник таъминоти, иккинчидан, унинг дастурий таъминоти ва учинчидан, мультимедиа ахборотлари мавжуд бўлиши керак. Мултимедиа маҳсулотлари деб, оддий ахборот матн ва графикадан ташқари овоз ва видео ахборотлар ҳам таркибига кирган ва бундан ташқари, оддий видеодан фарқ қилиб, таркибига ахборотлар оқимини бошқариш фармоишлари ҳам кирган дастурий воситаларга айтилади. Дастурий таъминотлар Windows операцион система таркибига кирган бўлиб, уларни чақириш учун Пуск тугмасини босиб, Програми бўлимига кирмиш; ундан Стандартние бўлимига ўтиб, ундаги Развлечения бандига кирмиш ва ундан керакли дастурни танлаб, ишга туширамиш. Ҳозирги пайтда мультимедиа билан ишлаш учун мўлжалланган кўплаб дастурлар мавжуд. Уларга мисол қилиб, мусиқани ешитиш учун мўлжалланган Windows (Windows амплифийер - Windows овоз кучайтиргичи); видео кўринишидаги ахборотларни таҳрир қилиш учун мўлжалланган Adobe Premiere 6 дастурларини келтириш мумкин.

2.4. Монтаж қилишда фойдаланиладиган дастурий таъминот(рендеринг)

“Adobe Premiere Pro CC” да монтаж қилиш технологияси


“Adobe Premiere Pro C.C” – фрагментларни рақамлаштириш ва улар орасида кўплаб ўтишлар билан монтаж қилувчи мураккаб дастурий маҳсулот бўлишига қарамай кўпгина телекомпаниялар ушбу дастурий таъминотдан

фойдаланиб келмоқда. Бу битирув малакавий ишида “Adobe Premiere ProС.С” да тасвир монтаж қилишни кўриб чиқамиз.

Дастур ўрнатилганидан сўнг Start (Пуск) ва асосий менюдан “Adobe Premiere Pro” танланган ҳолда дастурга кирилади. Юкланиш амалга ошганидан сўнг Adobe Premiere ойнаси ва унинг диалогли ташриф ойнаси очилади. Бу ойнадаги мос тугмаларни босган ҳолда янги лойиҳани очиш — New Project (Лойиҳа яратиш), мавжуд бўлган лойиҳа файлини очиш Open Project (Лойиҳани очиш) ёки система бўйича ёрдам олиш мумкин Help (Ёрдам). Агарда сиз янги лойиҳа яратиш ойнасини танласангиз у юкланишидан олдин лойиҳани таҳрирлаш давомида талаб қилинадиган ойна параметрларини (кўрсатув ёки лавҳа ўлчами, кадрлар частотаси, кадрлар рақамланиши ва бошқалар) ўрнатишни талаб қилади.

Энди ўзимиз янги лойиҳа яратамиз ва дастур интерфейсини имкониятлари балан танишиб чиқамиз.

1. Таклиф қилинган диалогли ойнадан New Project (Лойиҳа яратиш) танлаш орқали янги лойиҳани очамиз.



2.4.1-расм. DV - PAL сошлашлар тўпламидан бирорта лойиҳа танланадию

2. New Project (Лойиха яратиш) янги лойиха очилаётганда чап томондаги менюдан Available Presets (Доступные предустановки) ва DV - PAL - Standart 32kHz (Рақамли тасвир - стандарт PAL – Стандарт товуш 32 кГц) пунктни танланг. Бу биз кейинчалик Premiere дастур билан ишлаётганда кўрсатув яратилаётганда PAL форматида иш олиб боришни таъминлайди. Биз бирорта ўрнатишларни танлагандан сўнг ўнг тарафдан Description (Описание) танланади.
3. Лойиха номини Name (Номи) матн майдонига ёзилади. Масалан, tuit. Ҳамда бу файлни қаерга сақлаш йўли танланади.
4. Сўнгра New Project (Лойиха яратиш) диалогли ойнасидан ОК тугмаси босилади.

Ойна ва закладка


